

**БУХОРО МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Phd. 03/27.02.2021.
ФМ.101.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШИ ҚОШИДАГИ БИР
МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАҲМОНОВ БАҲОДИР СОБИРОВИЧ

**СЕЙСМИК-ПОРТЛАШ ТЎЛҚИНЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЕР ОСТИ
ИНШООТЛАРИГА ТАЪСИРИНИ ТАБИИЙ ДАЛА ШАРОИТИДА
ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

01.02.04 – Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2022

**Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
(DSc) технических наук**

**Content of the dissertation abstract of Doctor of Science
(DSc) on Technical Sciences**

Рахмонов Баходир Собирович

Сейсмик-портлаш тўлқинлари ва уларнинг ер ости иншоотларига таъсирини асл
натуравий дала шароитида тадқиқ қилиш.....3

Рахмонов Баходир Собирович

Натурно-полевые экспериментальные исследования сейсмозрывных волн и их
воздействия на подземные сооружения.....29

Rakhmonov Bakhodir Sobirovich

Field-based experimental studies of seismic and explosive waves and their impact on
underground tructures.....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ63
List of published works

БУХОРО МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Phd. 03/27.02.2021.
FM.101.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШИ ҚОШИДАГИ БИР
МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ
УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАҲМОНОВ БАҲОДИР СОБИРОВИЧ

СЕЙСМИК-ПОРТЛАШ ТЎЛҚИНЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЕР ОСТИ
ИНШООТЛАРИГА ТАЪСИРИНИ ТАБИИЙ ДАЛА ШАРОИТИДА
ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ

01.02.04 – Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2022

Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.DSc/FM189 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (реюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (bmti_info@edu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Сафаров Исмоил Иброҳимович
физика-математика фанлари доктори,
профессор

Расмий оponentлар:

Исмаилов Кубаймурат
техника фанлари доктори, профессор

Мирзаев Ибраҳим
физика-математика фанлари доктори,
профессор

Мавлонов Тўлқин Мавлонович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи таъсилот:

**Наманган муҳандислик-қурилиш
институтини**

Бухоро муҳандислик-технология институтининг ҳузурдаги илмий даражалар берувчи Phd. 03/27.02.2021. FM.101.02. рақамли илмий кенгаши қошидаги бир марталик илмий кенгашнинг «27» август 2022 йил соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 200100, Бухоро шаҳар, Қ. Муртазов кўчаси, 15. Тел.: (+99865) 223-78-84; факс: (+99865) 223-79-72, e-mail: bmti_info@edu.uz.)

Диссертация билан Бухоро муҳандислик-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (379 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200100, Бухоро шаҳар, Қ. Муртазов кўчаси, 15.Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: admin_bmti_info@edu.uz

Диссертация автореферати 2022 йил «б» август куни тарқатилди.
(2022 йил 30 июн № 1 рақамли реестр баённомаси).



М.Х.Тешаев

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш раиси, физика-математика
фанлари доктори (DSc)

З.И. Болтаев

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш илмий котиби, физика-
математика фанлари доктори, (DSc)

М.З. Шарипов

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
физика-математика фанлари доктори, (DSc)

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда, сейсмик жиҳатдан фаол бўлган ҳудудларда сейсмик мустаҳкам бўлган бино ва иншоотларни ҳисоблаш, лойиҳалаш ва қуриш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда ханузгача тўлиқ ўрганилмаган ер ости иншоотларининг сейсмик-зўриққанлик ҳолатини экспериментал тадқиқ қилиш методикасини яратиш ва уни такомиллаштириш талаб этилади. Бу борада, жумладан, Россия, Япония, Италия, АҚШ, ва бошқа кўплаб ривожланган мамлакатларда ер ости иншоотларининг сейсмик-зўриққанлик ҳолатини лаборатория шароитида тадқиқ қилиш методикасини ишлаб чиқиш ва бундай экспериментал тадқиқотлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда ер ости иншоотларининг портлашлар сейсмик таъсирдан вужудга келадиган сейсмик-зўриққанлик ҳолатини асл натуравий дала шароитида ўтказишни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, сейсмик-портлаш тўлқинлари таъсирдан "грунт-иншоот" конструктив тизими ҳолатини экспериментал тадқиқ этиш, сейсмик портлаш тўлқинларининг грунтда тарқалиш қонуниятини ўрганиш, иншоотнинг грунт билан бўладиган ўзаро таъсирини эспериментал тадқиқ қилиш ва айниқса, иншоот билан грунт ўзаро таъсир жараёнини энергетик баҳолаш, иншоот сейсмик-зўриққанлик ҳолатини белгиловчи параметрларни аниқлаш борасида экспериментал тадқиқотларни ўтказиш методикасини ишлаб чиқиш зарур. Шу билан бирга, юқорида келтирилган динамик системалар кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини асл натуравий шароитда экспериментал тадқиқ қилиш, юпқа деворли цилиндрик ер ости иншоотлари ҳавфли сейсмик-зўриққан ҳолатига энергетик ёндашиш борасида мақсадли илмий тадқиқотларни олиб бориш долзарб вазифалардан ҳисобланмоқда.

Республикамизда турли конфигурацияли ер ости иншоотларининг сейсмик мустаҳкамлигини ошириш ҳамда уларнинг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «... йўл-транспорт, муҳандисликкоммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш...»¹ вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, жумладан, ер ости иншоотлари конструктив тизими силзилабардош конструкцияларни яратиш борасида аниқлиги юқори ер ости портлашлари сейсмик таъсирдан фойдаланилган ҳолда асл натуравий тажрибалар ўтказиш методикасини ишлаб чиқиш, сейсмик портлаш тўлқинларининг грунтда тарқалиш қонуниятини ўрганиш, грунтларда сейсмик портлаш тўлқинлари таъсирдан вужудга келадиган тебранма

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

харакатини инфодаловчи кинематик ва динамик параметрларни тажрибада аниқлаш, грунтларнинг сейсмик портлаш тўлқинлари таъсиридан ҳолатини аниқлаш имконини берувчи эмпирик формулаларни топиш, иншоот кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини белгиловчи параметрларни тажрибада аниқлаш, ушбу жараёни энергетик таҳлил қилиш, юпқа деворли цилиндрик ер ости иншоотларининг грунт билан мураккаб ўзаро таъсир жараёнини асл натуравий тадқиқ этиш методологиясини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4794-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 августдаги 515-сонли «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши бўйича тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика, иншоотлар сейсмодинамикаси ва информатика» ҳамда XIV. «Сейсмология, бинолар ва иншоотлар сейсмик хавфсизлиги ва қурилиш» устувор йўналишларига мос келади.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи².

Сейсмик-портлаш тўлқинлари ва уларнинг ер ости цилиндрик формадаги иншоотларга таъсирини дала шароитида тадқиқ қилиш усулларини ишлаб чиқиш бўйича жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан California Institute of Technology (АҚШ), University of Trento (Италия), Pompeu Fabra University (Испания), Kyoto University (Япония), Россия ФА ЕФ институти, ВНИИСТ, ВНИИВОДГЕО, Челябинск Политехника институти, Ўз.Респ. ФА механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти, ва бошқалар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, <http://www.mathnet.ru>; <http://msp.org/jomms/about/cover/cover.html>; <http://link.springer.com>; <http://www.science-direct.com>; <http://www.dissercat.com/catalog/fiziko-matematicheskie-nauki>; Изв. РАН, МТТ, - 2016, №5, - С.22-35; Изв. РАН, МТТ, -2017, №2, - С.32-45; Подземные ядерные взрывы (пер.с англ) Под редакцией В.И. Кейлиса-Борока и Ю.В.Ризниченко. М.: Изд.иностранной литературы. -1962. -С.129-131; Сейсмическое действие взрыва М.: Госгеолтехиздат, -1963. -С.64-65; Количественные данные о движениях грунта при сильных землетрясениях//Бюллетень Совета по сейсмологии -№ 14.- М.: Изд. АН СССР, -1963. -С.14-17. ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Сейсмик-портлаш тўлқинлари ва уларнинг ер ости цилиндрик иншоотларнинг конструкциявий ечимларини такомиллаштириш, грунт ва ташқи сейсмик-портлаш тўлқинлари мустаҳкамлигини текшириш, динамик куч ва кучланишларнинг тарқалиш қонуниятларини аниқлаш ва ҳисоблаш усулларига доир илмий тадқиқотлар дунё миқёсида жумладан жаҳонда "иншоот-грунт" тизимининг ўзаро муносабати ва уларнинг параметрларини олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан қуйидаги натижалар олинган: ер ости портлашлари ҳамда табиий тектоник zilzilalarda сейсмик энергия зичлиги ва манба ҳажми бир-бирига ниҳоятда яқин бўлишлиги ва улар бир хил қонуният билан аниқланиши, энергетик монандлик принципи ишлаб чиқилган (Россия ФА ЕФ институти, California Institute of Technology, АКШ, Kyoto University, Япония); асл натуравий тажрибаларда сейсмик таъсирларни портлашлар орқали моделлаштириш мумкинлиги илмий жиҳатдан ўз исботини топган (ВНИИСТ, ВНИИВОДГЕО, Челябинск Политехника институти, Россия, University of Trento, Италия); ер устки бино ва иншоотлари ҳамда гидротехник иншоотлари асл натуравий синаш методикаси ишлаб чиқилган, умумлаштирилган ва йирик ГЭС қурилиши жараёнида қўлланилган (University of Trento, Италия, ВНИИВОДГЕО, Россия); асосида ер ости қувурларининг атроф-муҳит грунти билан турли кийматда ҳаракатланиш ғояси ётган мураккаб ер ости иншоотлари (қувурлар) zilzilабардошлиги сейсмодинамик назарияси, кейинчалик, ер ости иншоотлари zilzilабардошлиги сейсмодинамик назарияси ҳамда ер ости иншоотлари zilzilабардошлиги тўлқин назарияси яратилган (ЎзР. ФА механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти); турар-жой, саноат бинолари ва минорасимон ер устки ҳамда гидротехник иншоотларини тажрибавий синаш методикаси ишлаб чиқилган ва тадқиқотлар жараёнига муваффақият билан тадбиқ қилинган (ВНИИВОДГЕО, Россия, Pompeu Fabra University, Испания).

Дунёда бугунги кунда ер ости иншоотлари сейсмик мустаҳкамлигини таъминлаш, ҳисоблаш ишларининг аниқлигини ошириш билан боғлиқ муаммоларнинг ечимини топишга қаратилган бир қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда: тектоник синиқ худудида жойлашган ер ости иншоотлари ҳамда тўйинган грунтлар шароитида эксплуатация қилинадиган ер ости иншоотлари сейсмик мустаҳкамлигини таъминлаш; ер ости иншоотлари фазовий деформацияланишини тўлиқ ифодаловчи назарияларни деформацияланувчан қаттиқ жисм механикасининг умумий қонуларини қўллаш ҳисобида такомиллаштириш; муҳитнинг қовушқоклик хусусиятларини ҳамда эркин сиртдан қайтган тўлқинларни ҳисобга олган ҳолда нотурғун юкланиш таъсирида бўлган турли конфигурацияли ер қобиксимон иншоотларининг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини баҳолашга оид тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилиш даражаси. Сўнгги бир неча йил мобайнида жаҳонда, ер ости иншоотларининг атроф-муҳит грунти билан ўзаро динамик таъсири жараёнини тадқиқ қилиш борасида бир қатор таниқли хорижий олимлар катта ҳисса қўшганлар, жумладан К.С.Завриев, А.Г.Назаров,

Д.Д.Баркан, Ш.Г.Напедваридзе, С.В.Медведев, С.В.Поляков, И.Л.Корчинский, С.Б.Синицын, В.А. Ильичев, А.С. Гехман, А.Б.Айнбиндер, М.Ш.Исраилов, Н.Н.Фотиева, А.А. Александров, Бульчев Н.С., Фотиева Н.Н., Ержанов Ж.С., Айталиев Ш.М., Дорман И.Я., Оганесов Г.И., Балсон Ф.С., Ильюшин А.А., Горшков А.Г., Шемякин Е.И., Трояновский И.Е., Кийко И.А., Старовойтов Э.И., Кольский Г., Miker T., Maytsler A., Davis R.M., Wayt J.A., Ahenbah J.D., Shafer B.V., San R.I. M.J. O'Rourke, L.R. Wang, N.M. Newmark, El. Hmadi, T. Takahashi, T.Tanaka, K. Yoshizaki, X.L. Liu ва бошқалар.

Ер ости иншоотлари конструктив тизими кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатларини ўрганиш ва баҳолаш ҳамда экспериментал механика усулларини ривожлантириш бўйича Ўзбекистоннинг таниқли олимларини илмий ишлари бағишланган. Булардан: Ўрозбоев М.Т., Кабулов В.К., Рашидов Т.Р., Ширинкулов Т.Ш., Муборақов Я.Н., Хожметов Г.Х., Ишанходжаев А.А., Буриев Т., М.М.Мирсаидов, К.С.Султонов, Б.М.Мардонов, И.И.Сафаров, Абдусатторов А., А.А.Абдусаттаров, К.Исмайилов, И.Мирзаев, Т.Мавлонов, Ҳ.Сағдиев, Ш.Юлдашев, К.Д.Салямова, М.Қ.Ўсаров, Б.Э.Хусанов, Т.Г.Сағдиев, М.Х., Тешаев, З.Р.Тешабоевлар ва бошқалар

Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида ер ости иншоотлари сейсмик мустаҳкамлигини таъминлаш, ҳисоблаш-лойиҳалаш, ер ости портлаш тўлқинлари сейсмик таъсиридан фойдаланган ҳолда ер ости иншоотларининг сейсмик мустаҳкамлигини тадқиқ қилишнинг экспериментал усулларини ривожлантириш амалиётга қўллашда салмоқли натижаларга эришилди.

Шу билан бирга, олимлар кўп тажрибавий маълумотлар тўплаганига қарамадан, илмий нашрларда ёритилаётган илмий ишлар ва илмий анжуман натижаларига кўра сўнгги йилларда жаҳонда ер ости портлашларининг сейсмик таъсиридан фойдаланган ҳолда табиий дала шароитда олиб бориладиган асл тажрибалар орқали оптималлаштириш муаммолари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертациянинг тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ургенч давлат университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 13.1 “Ўзбекистон Республикаси шароитида ер ости ва устки конструкцияларини зилзилабардошлиги ва уларни режалаштириш ” (2009-2019) илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади юпка деворли цилиндрлик ер ости иншоотини ер ости портлаш тўлқинларининг сейсмик таъсиридан фойдаланилган ҳолда, унинг сейсмик-зўриққан ҳолатини табиий экспериментал тадқиқ қилиш методологиясини ишлаб чиқиш ва ер ости портлаш тўлқинларининг сейсмик таъсиридан ушбу иншоотнинг сейсмик тебранишлари ва кучланиш деформация ҳолатига ҳамда уларнинг грунт муҳити билан бўладиган ўзаро таъсирини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сейсмик-портлаш тўлқинлари таъсирида ер ости юпка деворли фазовий цилиндрик (ва ярим цилиндрик) иншоотларда ҳосил бўладиган сейсмик зўриққанлик (кучланганлик – деформация) ҳолатини табиий дала шаронтида экспериментал тадқиқ қилиш методикасини ишлаб чиқиш ҳамда табиий шаронтида ўтказиладиган тажрибаларнинг ишончлилигини асослаш;

грунтларда тарқалувчи турли хил қувватли сейсмик-портлаш тўлқинларининг кинематик ва динамик параметрларини экспериментал ҳамда назарий аниқлаш асосида қиёсий таҳлил қилиш методикаси ва алгоритминини ишлаб чиқиш;

сейсмик-портлаш тўлқинлари таъсирида юпка деворли ёпиқ (ва очик) цилиндрик иншоотларда содир бўладиган динамик жараёнларни белгиловчи параметрларни аниқлаш ва баҳолаш;

ер ости портлашлари натижасида вужудга келган стохастик динамик майдон параметрларини қиймат ва сифат нуқтаи назардан баҳолаш, сейсмик-портлаш тўлқинлари таъсирида грунт динамик ҳолатини белгиловчи параметрларни аниқлаш ва эмпирик формулалар ишлаб чиқиш;

грунтда сейсмик-портлаш тўлқинлари тарқалишидаги тебранма ҳаракатни ёзув-осциллограммаларининг реал вақтида қайд қилиш ва улар асосида муҳит ва қобикнинг кинематик ҳамда динамик параметрларини аниқлаш, қобикли грунтда вужудга келган сейсмик майдон ҳолатини энергетик таҳлил этиш ҳамда олинган натижалар (экспериментал ва назарий) ни таҳлил қилиш ва мавжудлари билан қиёсий таққослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ер ости портлашлари сейсмик таъсирида бўлган очик ва ёпиқ профилдаги юпка деворли цилиндрик ер ости иншоотлар ҳамда сейсмик-портлаш тўлқинлари тарқалувчи грунт муҳитидир.

Тадқиқот предмети грунтнинг, унда сейсмик-портлаш тўлқинлари тарқалган пайтдаги фазовий тебранма ҳаракатлари, очик ва ёпиқ профили ёпка деворли цилиндрик иншоотларнинг сейсмик-портлаш тўлқинлари таъсиридан юзага келувчи фазовий тебранма ҳаракатлари ва уларнинг динамик ҳолатини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида экспериментал механика, деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси, ҳисоблаш математикаси, математик моделлаштириш, алгоритмлаш ва сейсмик тебраниш назариялари, сейсмометрия, тажрибаларни режалаштириш, иншоотларни синаш метрологияси усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сейсмик-портлаш тўлқинлари таъсирида ер ости юпка деворли фазовий цилиндрик иншоотларда ҳосил бўладиган сейсмик зўриққанлик ҳолатини натуравий шаронтида экспериментал тадқиқ қилиш методикаси ишлаб чиқилган;

сейсмик-портлаш тўлқинлари таъсиридан муҳит ҳаракати кинематик ва динамик параметрларини экспериментал аниқлаш услубиёти, алгоритми ва эмпирик формулалар ишлаб чиқилган;

натуравий шароитда, сейсмик-портлаш тўлқинлари таъсиридан юпка деворли цилиндрик иншоотларда содир бўладиган сейсмик-зўрикқанлик ҳолатини белгиловчи параметрлар аниқланган;

ер ости портлашлари натижасида вужудга келган сейсмик майдон зўрикқанлик даражаси баҳоланган ҳамда муҳит динамик ҳолатини белгиловчи параметрлар аниқланган, эмпирик формулалар ишлаб чиқилган;

муҳитда вужудга келган сейсмик майдонда жойлашган очик ва ёпик профилли цилиндрик иншоотларга майдон энергетик зўрикқанлигининг таъсирини белгиловчи “редукцияланиш” коэффиценти ҳамда иншоот тебранма ҳаракат динамик параметрлари илк бора натуравий шароитда аниқланган, эмпирик формулалар ишлаб чиқилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мураккаб рельефли ва бино ёки иншоот асоси бортлардан иборат ҳудудларда саноат портлатишлари амалга оширилганда сейсмик таъсир интенсивлигини баҳолаш, муҳит тебранма ҳаракат кинематик параметрларини аниқлаш ва биноларга бўладиган сейсмик таъсирни прогноз қилиш услубиёти ишлаб чиқилган;

ер ости юпка деворли фазовий цилиндрик (ва ярим цилиндрик) иншоотларда портлаш тўлқинлари таъсирида ҳосил бўладиган кучланганлик -деформация ҳолатини башорат қилиш ва баҳолашни ҳисоблаш учун модель ишлаб чиқилган;

сейсмик-портлаш тўлқинлари таъсиридаги грунт билан тўлиқ алоқада бўлган юпка деворли фазовий қувур элементларининг динамик мустаҳкамлик ҳолатига баҳо бериш методикаси ва алгоритми ишлаб чиқилган;

грунтларда тарқалувчи сейсмик-портлаш тўлқинларининг ер усти бино ва иншоотларга таъсири хавфсизлигини таъминловчи кинематик ва динамик параметрлар экспериментал аниқланган, қиёсий баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги синовдан ўтган математик усулларга асосланганлиги, олинган назарий натижалар амалга оширилган экспериментал ва амалга тказилган тадқиқотлар натижалари билан солиштирилганлиги ҳамда бошқа олимлар омонидан олинган маълумотлар билан таққослаб текширилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти грунтнинг, унда сейсмик-портлаш тўлқинлари тарқалган пайтдаги фазовий тебранма ҳаракатлари, очик ва ёпик профилли юпка деворли цилиндрик иншоотларнинг сейсмик-портлаш тўлқинлари таъсиридан юзага келувчи фазовий тебранма ҳаракатлари ва уларнинг динамик ҳолатини аниқлашни экспериментал методологиясини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий ахамияти халқ хўжалигининг энг муҳим муаммоларидан бўлган юпқа деворли фазовий ер ости цилиндрик иншоотларнинг сейсмик-портлаш тўлқинлари таъсири жараёнларида иншоотнинг динамик деформацияланиши ва хавфли кучланиш пайдо бўлиши башорат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сейсмик-портлаш тўлқинлари таъсирдан муҳит ҳаракати кинематик ва динамик параметрларини экспериментал аниқлаш услубиёти, алгоритми ва ишлаб чиқилган эмпирик формулалар натижалари асосида:

мураккаб рельефли худудларда бино ва иншоотларга сейсмик таъсири баҳолашда муҳим бўлган ер ости портлашлари сейсмик таъсири интенсивлиги ҳамда грунт тебраниш даври (частота)ни аниқлаш мақсадида ишлаб чиқилган эмпирик формулаларда ифодаланган Жумуртов тош каръери грунт шароити, портлатиш усули ва пармалаш-портлатиш параметрларининг сейсмик интенсивликка таъсирини ифодаловчи k , ва n , коэффициентларнинг мос равишда 470 ва 1,5 га тенг бўлиши, динамиклик коэффициентини аниқлаш услубиёти жорий қилинган (“Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” ДУК Қорақалпоғистон филиалининг 2020 йил 24 декабрдаги хати). Натижада биноларга таъсир интенсивлигидаги хатолик минимал бўлишига эришилган, сейсмик мустаҳкамлигидаги танқислик бартараф этилган, шикастланиши-бузилишига барҳам бериш имкони яратилган;

Қоратов каръери учун мураккаб рельеф шароитида сейсмик таъсир интенсивлиги орттирмаси ҳамда тўлқин динамик белгилари (тебраниш амплитудаси сўнишининг масофага боғлиқлик қонунияти ва ҳ.к.)ни аниқлаш эмпирик формуласи ёрдамида сейсмик таъсир орттирмасидан ташқари, портловчи моддалар секинлатиш оптимал вақти 25мсек эканлиги топилган («DAYPLAST NUKUS» ОАЖ 29.04.2020 й. №38 хати). Натижада тош бўлак (парчалар)ининг учиш масофасини истисно қилган ҳолда мураккаб муҳандислик ҳисоблаш амалларисиз, оний ҳамда секинлаштирилган ер ости портлашларидан ҳавфсиз минимал масофаларни прогноз қилиш имконини берган.

Тошкент кимё-технология институтида Давлат илмий техника дастурлари доирасида 2017-2020 йилларда бажарилган ОТ-Ф4-01 рақамли “Ковушқоқ суюқлик оқувчи кўпқатламли композит қувурлар эгри чизикли бўлақларнинг ҳарорат ва динамик юкланишлар таъсирида чизикли бўлмаган динамик кучланиш-деформация ҳолатини ўрганиш усулларини ишлаб чиқиш ва назариясини ривожлантириш” мавзусидаги фундаментал лойиҳасида композит қувурлар эгри чизикли бўлақларининг динамик юкланишлар таъсирида чизикли бўлмаган динамик кучланиш-деформация ҳолатини аниқлашда фойдаланилган (Ташкент кимё-технология институтининг 16.04.2022й., №1/04-990 хати). Натижада ночизикли бўлган динамик кучланиш-деформация ҳолатини ҳисоблаш ва энергетик таҳлил қилишда қувур кинетик ҳамда потенциал энергияларининг майдони сўниш жараёнини белгиловчи коэффициентлар ёрдамида хавфли зоналарни ва тебранма

ҳаракат амплитудаси билан частотаси орасидаги боғланишни аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг натижалари 16 та халқаро ва 14 та республика илмий-техник анжуманларида маъруза қилинган ва муҳоқимадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.

Диссертация мавзуси бўйича жами 40 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори (DSc) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 19 та мақолалар, жумладан 14 та республика ва 5 та чет эл илмий журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши жами 200 саҳифадан иборат бўлиб, таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, 68 та расм, 19 та жадвал ва 3та иловани ўз ичига олган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг “Ер ости портлашларининг сейсмик эффектини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар обзори» деб номланган биринчи бобида ядро ва химиявий портлашларнинг сейсмик эффектини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар обзори(таҳлили)келтирилган. Адабиёт шарҳлари асосида тадқиқот объектларига талаблар, диссертациянинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

“Масаланинг қўйилиши, ер ости иншоотлари ҳамда грунт сейсмик-зўриққанлик ҳолатини тажрибавий ўрганиш методологияси асослари” деб номланган иккинчи боби юпқа деворли фазовий очик ва ёпиқ профилли ер ости цилиндрик иншоотларнинг сейсмик-зўриққанлик ҳолатини сейсмик-портлаш усулида тадқиқ қилиш методологияси келтирилган.

Тажрибада фазовий очик профил ва ёпиқ профилли цилиндрик ер ости иншооти сифатида мос равишда ўлчамлари қуйидагича: $L=6,0$; $D_H=0,2$ м; $\delta=0,008$ м. ва $L=6,0$; $R_H=0,5$ м, $\delta=0,016$ м. пўлат намуналардан фойдаланилди.

Тензоэлементлар ва тензодатчикларнинг очик ва ёпиқ профилли намуналарга жойлаштириш схемаси 1 ва 2 –расмларда келтирилган.

Тажрибалар пайтида “иншоот-грунт” тизими ўзаро таъсири жараёнини ишонарли ўрганиш мақсадида иншоот ва атроф-муҳит грунти абсолют

кўчишлари ҳамда иншоотга таъсир килувчи нагрузка фазода ўзаро перпендикуляр бўлган ўқларда бир вақтнинг ўзида қайд қилинди.

Сейсмик-портлаш тўлқинлари таъсиридан иншоотда содир бўладиган бўйлама, кўндаланг ва вертикал йўналишдаги кўчишлар ёзувлари иншоотнинг 1 ва 2 нуқталарида, бўйлама кўчиш, ҳаракат тезлиги ва тезланишларники эса 3-нуқтада жойлаштирилган сейсмик приборлар ёрдамида бажарилди (1-расм).

Ёпиқ профилли юпка деворли цилиндрик иншоот ер сатҳидан $H=5,0\text{м}$. чуқурликка жойлаштирилди ва иншоот устки грунт қатлам-қатлам шаклида кўлда зичлаштирилди. Иншоотга бўладиган грунт босими (δ_x) бўйлама йўналишда 4-нуқтага жойлаштирилган мембрана шаклидаги босим датчиги ёрдамида амалга оширилди (3,4-расмлар).

Иншоотларда ҳамда унинг атрофи грунтинида O_x , O_y , ва O_z йўналишлардаги қуйидаги кинематик параметрлар: кўчишлар u_i, v_i, w_i , тезлик $\dot{u}_i, \dot{v}_i, \dot{w}_i$ ва тезланишлар $\ddot{u}_i, \ddot{v}_i, \ddot{w}_i$ қайд қилинди (1-расм).

Ер ости портлашларидан вужудга келадиган сейсмик майдон грунтинида тебранма ҳаракат кинематик параметрлари ораларидаги масофа 100м.га тенг қилиб белгиланган 2 та пунктда қилинди.

Портлаш тўлқинлари фронтдан иншоотларга ҳамда атроф муҳит грунтинига тушаётган нагрузкалар босим датчиклари орқали қайд қилинди. Очиқ профилли цилиндрик иншоот бўйлама деформацияларини қайд қилиш учун 5 тензоэлемент, халқасимон учун 4 тензоэлемент жойлаштирилди, уларнинг жойлашиш схемаси 3-расмда келтирилган. Ёпиқ профилли цилиндрик иншоотда 6БД жойлаштирилди. Улардан 2-ён томон, 3-вертикал ҳамда 1-кўндаланг сиртида маҳкамланди. Очиқ профилли цилиндрик иншоотда 4БД жойлаштирилди. Улардан 2-ён томон, 2-вертикал сиртида маҳкамланди (3-расм).

Барча асл натуравий дала тажрибаларида портловчи модда (заряд) сифатида граммонит 79/21 ишлатилди ва у барча ҳолларда детонацияловчи шнур оний таъсир килувчи детонатор ёрдамида ўт олдирилди.

Тажрибалар давомида жами 20та портлатишлар амалга оширилди. Портловчи моддалар оғирлиги 420 кГ дан 6540 кГ.гача диапазонда бўлиб, портлаш нуқталаридан иншоотларгача бўлган эпицентрал масофа 150м. дан 350м.ни ташкил қилди. Булардан ташқари 142кГ.гача оғирликда камера пайдо қилиш учун майда портлашлар амалга оширилди.

Демак, ушбу методология асосида тадқиқот олиб борганда бир вақтнинг ўзида иншоот фазовий тебранма ҳаракат параметрларини қайд қилиш ҳамда тензометрик кузатувни амалга ошириш имконияти мавжуд бўлиши асослаб берилди.

Диссертациянинг "Груннида сейсмик-портлаш тўлқинлари тарқалганда, унинг тебранишларини тажрибавий-назарий тадқиқ қилиш" деб номланган учинчи бобида сейсмик-портлаш тўлқинларининг эластик (ёпишқоқ - эластик) ярим фазода тарқалишини тажрибада ва назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш ҳамда ўзаро таққослаш натижалари келтирилган. Ҳар бир тажрибада

силкиниш интенсивлиги грунт кўчиши максимал қиймати, муҳит ҳаракат тезлиги максимал қиймати ҳамда грунтда вужудга келадиган сейсмик майдон энергияси ўртача зичлиги қийматлари орқали баҳоланди.

Булардан ташқари, сейсмик-портлаш тўлқинларининг ярим фазода тарқалиши ва муҳит зўриққан-деформацияланган ҳолати назарий жиҳатдан тадқиқ қилинган ҳамда тажриба натижалари билан таққосланган.


Қаттиқ жисмнинг қайтмас деформациясини ёки механик ва иссиқлик жараёнларини, яъни эластик модел (қайтар деформация, механик энергия тўлиқ сақланади) шароитидаги, эластик-пластик (деформацияларнинг қайтиш даражаси чекланган) модел шароитидаги деформациялар (Дебай модели), Максвелл модели, К.Е.Губкин моделлари (масала қаттиқ жисмда энергия диссипациясини ҳисобга олиб ечилади) келтирилган ҳамда таҳлил қилинган.

Е.И.Шемякин усулига кўра, портлашларнинг муҳитга таъсирини баҳолашда делитацион тўлқиннинг (портловчи модда энергияси 4000 кДж/кг атрофида) мустақкам тоғ жинсларида синиши зўриқиш тўлқинини вужудга келтиради, унинг амплитудаси қуйидагича аниқланади:

$$\sigma_{p\max} = k\rho V_{\max} C_p \quad (1)$$




Бу ерда ρ -грунт зичлиги, кг/м³; C_p -бўйлама тўлқинларнинг муҳитда тарқалиш тезлиги $V = \frac{1000}{r^n}$ -грунт зарраларининг кўчиш тезлиги, м/с; $0 \leq k \leq 1, n = 1,8-2,0$.

Ностационар сферик симметрик манба таъсиридан вужудга келадиган сейсмик-портлаш тўлқинларининг ярим чексиз эластик муҳитда тарқалиш масаласи келтирилган.



1-расм. Тажрибаларда синаётган иншоотларнинг сннов майдонида портлаш нуқталарига нисбатан жойлашиш схемаси.

2-расм. Ёшиқ профили цилиндрлик иншоотда тензоэлемент датчикларининг ва босим датчикларининг ўрнатилиш схемаси: 1-бўйлама ва халқасимон деформацияларни ўлчашга мўлжалланган тензоэлементлар; 2-босим датчиклари(а) и сейсмоприёмниклар(б)




3-расм. Очиқ профили цилиндрик иншоотда сейсмоприёмник(а), ҳамда тензоэлемент босим датчикларининг (б) ўрнатилиш схемаси.

Ушбу масала ер ости портлашларини назарий ечиш мақсадида кўрилган. Бунда, мухит эркин сирти нукталарининг тўлқин таъсиридан харакат осциллограммаларини назарий тузишга эътибор қаратилган бўлиб, тўлқин манбаи камуфлет портлаш маълумотлари асосида олинган функция орқали тасвирланади. Бошланғич лаҳзада текис тўлқин бир жинсли изотроп мухитда U тезлик билан тарқалсин(4-расм).

Бунда кучланиш билан деформация орасидаги боғланиш куйидаги кўринишда бўлади:

$$\sigma_{ik} = \tilde{\lambda} \theta \delta_{ik} + 2\tilde{\mu} \epsilon_{ik} . \quad (2)$$

Бунда σ_k -кучланиш тензори, ϵ_k -деформация тензори, θ -ҳажмий деформация, $\tilde{\lambda}$ и $\tilde{\mu}$ -эластиклик модули оператори:




4-расм. Ҳисоб схемаси.

Ўртачалар усулидан фойдаланиб, натижаларни қуйидаги эмпирик формула кўринишида ёзиш мумкин(контрол нукта):

$$g = 441,2R_{np}^{-1,49138} \quad \text{ёки} \quad g = 441,2\left(\frac{\sqrt{C}}{R}\right)^{1,49} \quad (6)$$

Юқорида айтилган усулдан фойдаланиб, контрол нуктасида олинган 8-расмдаги эгри чизиқни аппроксимация қиламиз ва грунт учун тебранма характ тезлигининг эпицентрал масофа билан портловчи модда вазнига боғлиқлиги ифодасини қуйидаги кўринишда оламиз(асосий кузатув):


$$g = 325,24R_{np}^{-1,45553} \quad \text{ёки} \quad g = 325,24\left(\frac{\sqrt{C}}{R}\right)^{1,46} \quad (7)$$



6-расм. Грунт зарралари бўйлама йўналишда кўчиш тезлигининг келтирилган масофага боғлиқлиги графиги: 1-контрол (манбага яқин) нукта; 2-асосий кузатув пункти.

7-расмда грунт зарраларининг бўйлама(а), кўндаланг(б) ва вертикал(в) йўналишлардаги реал вақтдаги тебранишлари келтирилган. Ушбу ёзув-осциллограммалар орқали таҳлил қилинган.

Тажриба асосида олинган осциллограмма-ёзувлардан фойдаланиб, фазовий кўчиш вектори компонентлари ҳар бири учун тебранма харакат сўниш декрементлари қийматлари аниқланди. Уларнинг сон қийматлари: бўйлама



7-расм. Грунт зарраларининг бўйлама(а), кўндаланг(б) ва вертикал(в) йўналишлардаги тебранма харакатлари.

йўналишда $\lambda_{np}=0,36$; кўндаланг йўналишда $\lambda_{nop}=0,46$; ҳамда вертикал йўналишда $\lambda_{верт}=0,53$ бўлишлиги тажрибаларда тасдиқланди.

Тажрибалар натижаларини аппроксимация қилиш орқали бўйлама ва кўндаланг йўналишларда кўчиш миқдорининг портлаш параметрларига боғлиқлиги қонуниятни аниқланди, яъни:

$$A = 3,65e^{-0,058R_{ep}} \quad (8)$$

$$A_{min} = 2,63e^{-0,058R_{ep}} \quad (9)$$

Тажрибадан олинган натижаларни аппроксимация қилиш ушбу параметрнинг масофа ҳамда портловчи модда оғирлиги билан боғлиқлиги қонуниятини аниқлаш ва илк бор бўйлама, вертикаль ҳамда кўндаланг йўналишларда кўчиш миқдорининг портлаш параметрлари билан боғлиқликдаги қўйдаги формулаларини олиш имконини берди:


$$A_{ep} = 101,08 \left(\frac{\sqrt{C}}{R} \right)^{1,57} \quad (10)$$

$$A_{\pi} = 216,4 \left(\frac{\sqrt{C}}{R} \right)^{1,84} \quad (11)$$

$$A_{min} = 5,43 \left(\frac{\sqrt{C}}{R} \right)^{0,72} \quad (12)$$

Булардан ташқари, мазкур диссертацияда грунт фазовий характердаги харакати ёзув-осциллограммалари муҳандисона таҳлили, кўчишнинг тебранма харакат частотасига боғлиқлиги қонуниятлари ҳамда грунт сейсмик-портлаш тебранма харакати актив фазаси частотасининг келтирилган масофага боғлиқлиги қонуниятлари ҳам таҳлил қилинган.

Киргизистон Бурликня дарёси худудида қуввати 2070Т.лик йирик масштабли секинлаштирилган портлаш мураккаб рельефли тоғ шароитида амалга оширилди. 8-расмда ушбу йирик масштабли секинлаштирилган портлаш натижалари асосида сейсмик таъсир интенсивлигининг масофага боғлиқлиги графиги келтирилган.



8-расм. Сейсмик таъсир интенсивлигининг масофага боғлиқлиги графиги.

Диссертация ишида ушбу портлашни амалга ошириш методикаси, унинг қўрқимда кўриниши (юқори ва пастки мина штольнлари), портлаш таъсиридан тебранма харакат параметрларини сейсмометрик қайд қилиш натижалари, ёзув-осциллограммалар нусхалари ва ш.к. маълумотлар тўлиқ келтирилган.

Шулар қаторида, диссертацияда сейсмометрлик қайд қилиш натижалари асосида сейсмик хавфсиз масофаларни аниқлаш учун таклиф этилган эмпирик формулалар ва уларнинг аниқлик даражалари, сейсмик майдон ўлчамларининг грунт сейсмик тебранма ҳаракат интенсивлигига боғлиқлиги график кшринишда келтирилган.

Тоғли мураккаб рельефли ландшафт шароитида олиб бориладиган саноат портлашларининг сейсмик таъсир интенсивлигига рельеф, геологик ва гидрогеологик ҳамда бортларнинг таъсирини ўрганиш ҳамда уларнинг бино ва иншоотларга сейсмик таъсирини баҳолаш ҳамда бундай шароитда сейсмик-портлаш тўлқинларининг грунтда тарқалиш қонуниятларини инструментал ўрганиш борасида Жумуртов ва Каратов тош карьерларида кузатувлар олиб борилди. Ушбу тажрибалардан олинган натижалар асосида бино ва иншоотлар динамик ҳолатини прогноз қилишда муҳим бўлган параметрлардан бири бўлган, грунт сейсмик тебранма ҳаракат даврини прогноз қилишга мўлжалланган қуйидаги эмпирик формулалар келтирилган:

$$T=0,031 \sqrt{gR} \quad \text{ёки} \quad T=C^{0,3} \quad (\text{Жумуртов тош карьери учун})$$

$$T_0=0,058LgR; \quad \text{ёки} \quad T_0=C^{0,19}. \quad (\text{Қоратов тош карьери учун})$$

Жумуртов тош карьери шароити учун сейсмик хавфсиз масса рухсат этилган массасини аниқлаш учун қуйидаги формула:

$$Q_{MAX}^{MH} = (0,046 * R)^3 \quad (13)$$

Худди шу шароитда секинлаштирилган портлашлар учун:

$$Q'_{K.3.B} = (0,04 * R)^3 \quad (14)$$

Каратов тош карьери шароитида оний портлашлар учун сейсмик хавфсиз масса рухсат этилган массасини аниқлаш учун қуйидаги формула:

$$Q_{MAX}^{MH} = (0,042 * R)^3 \quad (15)$$

Худди шу шароитда секинлаштирилган портлашлар учун:


$$Q'_{K.3.B} = (0,035 * R)^3 \quad (16)$$

Бу асл дала шароитида олиб борилган инструментал кузатув методикаси, секинлаштирилган портлашлар, геологик ва гидрогеологик шароит тўғрисидаги маълумотлар, тажрибада олинган ёзув-осциллограммалар нусхалари ва бошқа шу каби маълумотлар диссертацияда келтирилган.

Шундай қилиб, бу бобда грунт ҳаракатини ифодаловчи муносабатлар олинди.

Диссертациянинг “Ер ости иншоотларининг сейсмик-портлаш тўлқинлари таъсиридаги тебранишларини тажрибавий ўрганиш” деб номланган 4-бобида очиқ ва ёпиқ профилли цилиндрик ер ости иншоотларининг сейсмик-портлаш тўлқинлари таъсирдан динамик ҳолатини ўрганиш натижалари келтирилган.


Қуйида ер ости иншоотларининг сейсмик тебранишлари ёзувларидан айрим намуналар ҳамда уларнинг уч ўқ бўйлаб фазовий абсолют кўчишлари келтирилган. 9-расмда иншоотнинг ўзаро перпендикуляр йўналишлардаги тебранма ҳаракат ёзув-осциллограммалари келтирилган.



9-расм. Иншоотнинг ўзаро перпендикуляр бўйлама(а), кўндаланг(б) ҳамда вертикал(в) йўналишлардаги тебранма ҳаракатлари.


Иншоотнинг фазовий тебранма ҳаракатлари ёзувлари асосида ҳар бир йўналиш бўйлама, кўндаланг ҳамда вертикал йўналишлардаги тебранма ҳаракатлари учун сўниш декрементлари қийматлари аниқланди. Унинг қийматлари бўйлама йўналишда $\lambda_{\text{гор}}=0,54$; кўндаланг йўналишда $\lambda_{\text{гор}}=0,68$; ва ниҳоят, вертикал йўналишда $\lambda_{\text{верт}}=0,79$ га тенг бўлиб, бунда қуйидаги тенгсизлик ўринли: $\lambda_{\text{гор}} < \lambda_{\text{гор}} < \lambda_{\text{верт}}$ яъни, тажрибалар вертикал йўналишдаги тебранишларда тебраниш сўниш декременти ўртача қиймати қолганларидан катта экан.

10-расмда иншоотнинг учта ўзаро перпендикуляр йўналишдаги (U, V, W) кўчишларининг келтирилган масофага боғлиқлик графиги кўрсатилган.



10-расм. Иншоотнинг ўзаро перпендикуляр йўналишдаги кўчишларининг (U, V, W) келтирилган масофага боғлиқлик графиги.

Тажриба натижалари асосида иншоот билан грунт нисбий кўчишлари қийматининг грунт абсолют кўчишига боғлиқлиги графиги 11-расмда келтирилган. Бу графикдан, иншоот билан грунт нисбий кўчишлари қиймати бўйлама йўналишда муҳитнинг абсолют қиймати 0,7мм.гача бўлганда камаювчи характерда, ундан кейин эса ўсувчи конуният билан ўзгаради.



11-расм. Иншоот бўйлама йўналишда нисбий кўчишнинг мухит грунги абсолют кўчишига боғлиқлик графиги.

12-расмда юқоридаги параметрнинг вертикал йўналишдаги графиги келтирилган. Бу ерда ҳам 11-расмдагига ўхшаш қонуният такрорланади, яъни вертикал йўналишдаги нисбий кўчиш қиймати грунгдаги абсолют кўчиш қиймати 0,8мм.гача бўлганда камаювчи, $w > 0,8\text{мм}$. қийматдан бошлаб, ўсувчи характерда бўлади.


13-расмда иншоот ўзаро перпендикуляр уч ўк бўйлаб нисбий кўчишларининг грунт тебраниш интенсивлигига боғлиқлиги графиги келтирилган.

Ушбу параметрлар қийматларини аппроксимация қилиш орқали иншоот нисбий кўчишларининг сейсмик таъсир интенсивлигига боғлиқлиги ифодалари қуйидаги эмпирик кўринишда олинди:


-бўйлама йўналишда
$$\bar{U} = 0.3I^2 - 2.6I + 6.02 \quad (17)$$

-кўндаланг йўналиш учун
$$\bar{V} = 0.05I^2 - 0.43I + 1 \quad (18)$$

-ва, ниҳоят вертикал йўналиш учун
$$\bar{W} = 0.07I^2 - 0.5I + 0.9 \quad (19)$$



12-расм. Иншоот вертикал йўналишда нисбий кўчишнинг мухит грунги абсолют кўчишига боғлиқлик графиги.



13-расм. Иншоот нисбий кўчишлар компонентларининг сейсмик таъсир интенсивлигига боғлиқлиги графиги (а-бўйлама, б-кўндаланг ва в-вертикал йўналишлар).

Иншоотнинг уч ўк бўйлаб абсолют кўчишларининг келтирилган масофаларга боғлиқлиги қонуниятини аппроксимация қилишга ҳаракат қилинди ва илк бор ер ости цилиндрик иншооти кўчиши билан портловчи заряд массаси ҳамда эпицентрал масофа орасидаги боғлиқлик қонуниятини фойдаловчи эмпирик формула таклиф қилинди:

иншоот бўйлама йўналишдаги абсолют кўчиши учун:

$$U = 9,29(\sqrt{C}/R)^{-0,988}; \quad \text{ёки} \quad U = 2,16e^{-0,0669R_{ep}}; \quad (20)$$

вертикал йўналишдаги абсолют кўчиш учун

$$W = 141(\sqrt{C}/R)^{-1,67}; \quad \text{ёки} \quad W = 4,11e^{-0,067R_{ep}}; \quad (21)$$

кўндаланг йўналишдаги абсолют кўчиш учун

$$V = 700(\sqrt{C}/R)^{-2,44}; \quad \text{ёки} \quad V = 7,8e^{-0,13R_{ep}}; \quad (22)$$

Тажрибадан олинган натижаларни таҳлил қилиш иншоотнинг бўйлама йўналишдаги абсолют кўчишнинг заряд массаси ҳамда эпицентрал масофага боғлиқ ҳолда аппроксимация қилинди ва қуйидагича эмпирик формула таклиф этилди: $A = C^\alpha e^{\beta R}$; (23)

Бу ерда α ва β ўлчамсиз коэффициентлар қийматлари мос равишда қуйидагига тенг: 0,392; -0,012.

Юқорида келтирилганлардан ташқари, ушбу бобда юпқа деворли ёпиқ профилли цилиндрик иншоотнинг сейсмик-портлаш тўлқинлари таъсиридан ўзаро таъсир коэффициентларини тажрибада натуравий аниқлаш методикаси келтирилган.

Бўйлама йўналишда ўзаро таъсир коэффициенти илк бор икки хил усулда: Даламбер принциpidан келиб чиқиб, мувозанат тенгламаларидан фойдаланган ҳолда ҳамда ёпқа деворли мазкур цилиндрик иншоотнинг сейсмик таъсир жараёнида энергиянинг сақланиш қонунидан фойдаланган ҳолда аниқланди ва иккинчи усулнинг афзаллиги таҳлил қилинди ҳамда бу жараён технологиясида мураккаб математик аппаратдан фойдаланиш зарурияти йўқлиги ва ш.к. келтирилди.


Юқоридагилардан ташқари, ушбу бобда тажрибада синалаётган намуна ёпқа деворли фазовий ёпиқ профилли цилиндрик иншоот деган нуқтаи назардан, унинг динамик ҳисоби келтирилган ҳамда олинган натижалар тажрибада олинганлари билан таққосланган. Яна бу ерда, ўлчамлари тажрибадаги намуна ўлчамларига тенг бўлган ёпиқ профилли цилиндрик тоннелга таъсир бўйлама ўқига перпендикуляр йўналган ҳолат учун назарий ечиш методикаси келтирилган. Назарий жиҳатдан аниқланган ва тажрибаларда қайд қилинган кўчиш қийматларини таққослаганда юқори аниқликка эришилгани, ушбу методикани ер ости ёпқа деворли ёпиқ профилли цилиндрик иншоотлар инженерлик ҳисобларида қўллаш мумкинлигини кўрсатди.

“Сейсмик-портлаш тўлқинлари таъсиридан грунт ва ер ости иншоотларида вужудга келадиган ҳолатни энергетик баҳолаш” деб номланган 5-бобда грунтда сейсмик-портлаш тўлқинлари тарқалганда муҳитда ва ер ости иншоотларида вужудга келадиган ҳолатни энергетик баҳолаш ғояси, тўлқин энергияси атроф-муҳитдан иншоотга узатилиш механизми муҳандисона таҳлили намоён қилинган.

5-бобнинг биринчи параграфи мухитда тўлқин тарқалганда грунт тебранма ҳаракат энергетик характеристикаларини аниқлаш ва муҳандисона таҳлил қилиш, ҳамда сейсмик таъсир жараёнида иншоот билан грунт биргаликдаги тебранишларда юзага келадиган ўзаро таъсир жараёнини энергетик баҳолашга бағишланган.

Қуйидаги ифодадан фойдаланиб:
$$E_0 = 2\pi^2 E_r (r/r_0)^n \quad (24)$$

тажрибалардаги энергия логарифмининг эпицентрал масофа логарифмига (а) ва сейсмик таъсир интенсивлигига (б) боғлиқлиги графиклари қуйидаги 14-расмдаги кўринишда олинган ва ушбу расмларда асосий пунктдаги грунт тебранма ҳаракат энергиясининг ўзгариш графиги чизиқли характерда экани кўришиб турибди.




14-расм. Грунт тебранма ҳаракат келтирилган энергияси логарифмининг эпицентрал масофа логарифмига (а) ва сейсмик таъсир интенсивлигига (б) боғлиқлик графиги.

Тажрибалар натижалари асосида олинган ушбу графикни қуйидаги кўринишда аппроксимация қилиш мумкин:


$$\lg E_r = 3,8 + 0,40 I \quad (25)$$

15-расмда грунт тебранма ҳаракат энергияси оқими зичлигининг келтирилган масофага боғлиқлиги графиги кўрсатилган. Бу ердан кўришиб турибдики, грунт тебранма ҳаракат энергияси оқими зичлигининг келтирилган масофага боғлиқлиги нозичлиқли мураккаб характерда кечаркан.



15-расм. Грунт тебранма ҳаракат энергияси оқими зичлигининг келтирилган масофага боғлиқлиги.


Ер ости портлашларидан вужудга келадиган сейсмик майдон асосий параметрларидан бири бўлган тебраниш частотасининг келтирилган масофага боғлиқлиги қонунияти бўлиб, у 16-расмда кўрсатилган. Бундан келтирилган масофа ортиши билан частота қийматининг камайишини кўриш қийин эмас.



16-расм. Грунт тебраниш частотасининг келтирилган масофага боғлиқлиги графиги.

17-расмда эса сейсмик тебранишлар кўчиш амплитудасининг частотага боғлиқлиги графиги келтирилган бўлиб, бундан ушбу боғлиқлик нозичлиги характерда экани кўриниб турибди.

Сейсмик таъсирдан “иншоот-грунт” тизими тебранишида портлаш импульси энергиясининг қанча қисми иншоот томонидан “ўзлаштирилиши” ўта муҳим бўлиб, иншоот конструкцияларини қанчалик шикастлаш-бузиш даражаси ана шу энергия миқдори билан белгиланади.



17-расм. Грунт тебранма харакат кўчиш амплитудасининг частотага боғлиқлиги графиги.

Сейсмик майдонда грунт оқайтган энергия миқдори ва атроф-муҳит грунги билан ўзаро таъсирда бўлган иншоотнинг муҳит билан биргаликдаги тебранишларида оладиган энергияси миқдорини баҳолаш учун қуйидаги нисбатдан фойдаланамиз:


$$\eta = E_{\text{инш.гр.}} / E_{\text{о.сп.}} \quad (26)$$

бу ерда $E_{\text{инш.гр.}}$ - иншоотнинг грунт билан ўзаро таъсирида оладиган (“ўзлаштирадиган”) кинетик энергияси миқдори; $E_{\text{о.сп.}}$ - сейсмик майдонда иншоот юзасидан оқадиган энергия миқдори, у қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\eta = \frac{\pi \rho (R^2 - r^2) \dot{u}^2 L}{(0.35 \gamma_c \rho \sum v_i^2 T_i) S} \quad (27)$$

Бу ўлчамсиз коэффициент (η) ни “грунт-иншоот” динамик системаси учун сейсмик таъсир жараёнидаги “редукцияланиш” (энергия қисқариш) ёки энергияни ютиш коэффициенти деб номлаш мумкин. Бу коэффициент физик нуқтан назаридан сейсмик таъсир жараёнида сейсмик майдонда грунтдан иншоотга энергиянинг қанча қисми ўтиши (узатилиши)ни англатади.

(27) формула асосида аниқланган ҳамда ҳисобланган ушбу коэффициентнинг сейсмик таъсир интенсивлигига боғлиқлиги 18-расмда келтирилган.




18-расм. “редукцияланиш” (энергия қисқариш) коэффициентини η нинг грунт мухити сейсмик-портлаш таъсири интенсивлигига боғлиқлиги графиги.

Ушбу расмдан кўриш мумкинки, “редукцияланиш” коэффициентини η сейсмик таъсир интенсивлиги ортиши билан аввалига, 3-5,5балл ораликда, майин конуният билан, 5,5 баллдан ошганда кескин камаювчи характерда камаяди. Сейсмик таъсир интенсивлиги ортиб бориши билан иншоотга грунтдан узатилаётган кинетик энергия миқдори ошиб боради, бироқ η нисбат камаяди.

19-расмда иншоотнинг атроф-мухит грунтга нисбий ($\bar{U}, \bar{V}, \bar{W}$) кўчишининг η коэффициентга боғлиқлик графиги келтирилган.

Бу ердан нисбий кўчиш учта ўзаро перпендикуляр йўналишда ҳам содир бўлади, уларнинг қийматлари бири-биридан кескин фарқ қилади ҳамда улар физик табиатига кўра қуйидаги тенгсизлик бажарилади: $\bar{U} > \bar{V} > \bar{W}$.



19-расм. Иншоотнинг атроф-мухитга нисбий кўчишининг “редукцияланиш” (энергия қисқариш) коэффициентини η ($\eta = \frac{E_{соор}}{E_{гр}}$) га боғлиқлиги.

Диссертациянинг навбатдаги босқичи сейсмик портлаш тўлқинларининг мухитда тарқалишида ютилиш жараёнини табиқ қилишдан, яъни асл натуравий дала шароитида энергиянинг мухитда ютилиш коэффициентини аниқлашдан иборат бўлиб, диссертацияда бу коэффициентга назарий коэффициент эмас балки тажрибавий параметр деб қаралади.

Энергиянинг мухитда ютилиш жараёнини белгиловчи ютилиш коэффициенти қуйидаги мулоҳазадан келиб чикиб баҳоланди:

$$A_i = A_0 \left(\frac{\Delta_i}{\Delta_0} \right)^{-n} e^{-\alpha(\Delta_i - \Delta_0)} \quad \text{бу ердан} \quad \alpha = \ln \left[\left(\frac{A_i}{A_0} \right) \left(\frac{\Delta_i}{\Delta_0} \right)^n \right] \cdot \frac{1}{[-(\Delta_i - \Delta_0)]} \quad (28)$$

бунда A_i, A_0 – асосий ва контрол пунктларида кўчиш амплитудалари қийматлари; Δ_i, Δ_0 -портлаш нуқталаридан контрол ва асосий пунктларигача бўлган эпицентрал масофалар ($\Delta_0 < \Delta_i$); α -мухитда энергия ютилиш коэффициенти.

Кўп грунтларда n кўрсаткич грунт мустаҳкамлик кўрсаткичларидан келиб чикиб, 1,5-2,5 оралигида белгиланади. $n=2$ деб оладиган бўлсак, у

холда ютилиш коэффициентини ўртача миқдори $\alpha_{cp}=0,0028 \text{ м}^{-1}$. ($n=1,5$ бўлганда $\alpha_{cp}=0,0041 \text{ м}^{-1}$).

$$A = A_0 e^{-\alpha x} \quad (29)$$



агар $x = \Delta_1 - \Delta_0$ - тўлкин фронтининг A ва A_0 кўчиш амплитудалари қайд қилинган нуқталар орасидаги масофа, α - ютилиш коэффициентини.

Охирги ифода ёрдамида тажриба натижалари асосида, ушбу параметр ўртача қийматлари баҳоланди $\alpha_{cp} = 0,0046 \text{ м}^{-1}$.

Мухит грунтининг сейсмик-зўриққан ҳолатида эластик зонада грунт деформацияси қуйидаги ифода орқали ҳисобланиши мумкин:

$$\varepsilon_{max} = 2\pi A_{max} / C_p T \quad (30)$$

бу ерда, ε_{max} - мухит деформацияси максимал қиймати; A_{max} - натуравий дала шароитида қайд қилинган кўчиш максимал қиймати; C_p - бўйлама тўлкиннинг мухитда тарқалиш тезлиги; T - мухит учун сейсмик тебранишлар даври тажрибада қайд қилинган қиймати.



20-расм. Мухит грунтининг эластик деформациясининг логарифмининг (а) ва грунт эластик деформациясининг максимал қийматининг (б) келтирилган масофага боғлиқлиги графикалари.

Мухит деформациясининг (32) ифодага асосан аниқланган максимал қийматининг келтирилган масофага боғлиқлиги графиги логарифмик функция кўринишида 20,а-расмда келтирилган. Бу холда келтирилган масофа қиймати 7,4-36,4 (асосий кузатув нуқталари). 20,б-расмда ушбу параметрнинг келтирилган масофага боғлиқлиги кўрсатилган бўлиб, бу ердан деформациянинг келтирилган масофанинг кичик қийматларида ($R_{cp}=7,4$; $R_{cp}=8,75$) кескин камаювчи, келтирилган масофанинг катта қийматларида эса майин камаювчи характерда бўлишини кўриш мумкин.

Маълумки, тадқиқотлар сўниш декрементининг мухит деформацияси қиймати 10^{-6} - 10^{-7} дан ортса, улар ўзаро боғлиқлигини тасдиқлади. Ер ости портлашлари жараёнида вужудга келадиган сейсмик майдоннинг манбага яқин зонаси деформациясининг катта қийматдан эга бўлиши билан характерланади ва бу зонада ютилиш декременти қиймати ($\beta \neq const$) ўзгарувчан бўлади ҳамда бу зонада тебранма ҳаракат даври табиатан шартли равишда, қиймати эса ўзгарувчан характерда бўлади [1, 40с.].


